

ХАБАРЛАР

Ўзбекистон Грузия ва Ироқдан авиаёнилғи харид қила бошлади

дақиқа аввал



Иллюстративное фото

Тошкент Грузия, Ироқ ва бошқа мамлакатлардан авиаёнилғи импортини йўлга қўйди. Бу ҳақда Ўзбекистон президенти расмий сайтида эълон қилинган [хабарда айтилди](#).

Президент Шавкат Мирзиёев матбуот хизмати маълум қилишича, жорий йилнинг июль–декабрь ойларида авиаёнилғига бўлган талаб қарийб 375 минг тоннага етиши кутилмоқда. Бу 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 27 фоизга кўп.

Ҳукумат талабнинг ўсишини Марказий Осиё орқали амалга оширилаётган рейслар сони ҳамда Ўзбекистонга парвозлар кўпайгани билан изоҳламоқда.

Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси — IATA маълумотларига кўра, 2026 йил бошида Эрон атропофидаги вазият кескинлашиши ва Хурмуз бўғози орқали етказиб беришда узилишлар юзага келиши ортидан авиаёнилғи нархи кескин ошган.

Май ойи охирига келиб нархлар апрель ойидаги энг юқори кўрсаткичлардан пасайган бўлса-да, февраль охиридаги даражадан анча юқори бўлиб қолган.

Апрель-июнь ойларида Ўзбекистонга керосин, жумладан авиация керосини импорти ўтган йилги кўрсаткичлардан анча паст бўлган.

Апрель ойида Ўзбекистон 5,5 минг тонна керосин импорт қилган. 2025 йил апрелида бу кўрсаткич 8,7 минг тоннани ташкил этган — яъни импорт қарийб 1,5 баравар камайган.

Май ойида импорт ҳажми 1,8 минг тоннани ташкил этган. Бир йил аввал бу кўрсаткич 11,1 минг тонна бўлган — яъни 6,3 баравар кўп.

Июнь ойида эса Ўзбекистон 1,9 минг тонна керосин импорт қилган. 2025 йил июнида импорт ҳажми 23,9 минг тоннани ташкил этган — бу йилги кўрсаткич қарийб 12,5 баравар кам.

Шунингдек, Ўзбекистон президентида "Ўзбекнефтгаз" компаниясининг 2026 йил биринчи ярмидаги фаолияти ва йил охиригача мўлжалланган режалари юзасидан ҳисобот тақдим этилди.

Олти ой давомида компания 11,5 миллиард куб метр табиий газ қазиб олган.

Йил охиригача "Ўзбекнефтгаз" 1,1 миллион тонна автомобиль бензини, 983 минг тонна дизель ёқилғиси, 310 минг тонна авиация керосини ва 606 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Бундан ташқари, қарийб 1,18 миллион тонна синтетик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Республикадаги ёқилғига бўлган талабнинг асосий қисми маҳаллий нефтни қайта ишлаш заводлари маҳсулотлари ҳисобига қопланиши кутилмоқда.

12 июнь куни Uzbekistan Airways авиаёнилғи тақчиллиги ва унинг нархи ошгани муносабати билан Ўзбекистон шаҳарларидан Россиянинг айрим йўналишларига амалга ошириладиган рейслар сони қисқартирилишини эълон қилган эди.

